Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

Ishonch

2020 йил 22 февраль •шанба • № 27 (4312)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Ўзбекистон–Туркия: Ҳамкорликнинг янги уфқлари

Бу учрашув стратегик шериклигимиз юксак босқичга кўтарилганининг яққол ифодасидир. Мамлакатларимиз ўртасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини яқин йилларда беш миллиард долларга етказишга қаратилган устувор вазифаларни бажаришда ҳам ушбу кенгаш, албатта, муҳим замин бўлади.

Шавкат Мирзиёев,
Ўзбекистон Президенти

Илми, ижоди билан дунёга эзгулик улашган Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Али Қушчи, Алишер Навоий каби буюкларимиз тупроқларидан салом келтирган бу инсонларнинг таширифи биз учун жуда азиз ва қадрлидир. Ўзбекистон билан муносабатларимиз мустаҳкам қардошлик ришталарига таянган ҳолда, стратегик шериклик даражасига кўтарилганини қадрлаймиз.

Режеп Таййип Эрдўғон,
Туркия Президенти

Жиззах вилояти

Олий Мажлис Сенати аъзоси, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Нусратулла Пардаев Зомин ҳамда Янгиобод туманининг чекка қишлоқларида яшовчи аҳоли билан учрашувлар ўтказди.

Халқ вакили – халқ ичида

Сенатор сайловчилар билан учрашди

Тадбирларда Президентимизнинг Олий Мажлис Сенатининг биринчи ялпи мажлисидаги нутқи ва Олий Мажлисга Мурожаатномаси мазмун-моҳияти ҳақида атрофлича фикр алмашилди. Янги Ўзбекистонни келгусида ривожлантиришнинг узоқ муддатга мўлжалланган стратегик йўллари, жамиятни ислоҳотларнинг ташаббускорига айлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар ва галдаги вазифалар хусусида сўз юритилди.

Сенатор мазкур маҳаллалар аҳолисини қийнаётган муаммолар билан қизиқди. Уларнинг ечимлари бўйича фикрлар алмашилди.

Халқ депутатлари Янгиобод тумани кенгаши доимий комиссиялари аъзолари иштирокида ўтказилган йиғилишда Сенатнинг иккинчи ялпи мажлиси доирасида кўриб чиқиш назарда тутилган қонунлар муҳокама этилди.

Сенатор туман ҳокимлигида ташкил этилган «Депутатлар хонаси» билан ҳам яқиндан танишди, депутатлар ҳамда доимий комиссияларнинг амалга ошириши лозим бўлган ишлар юзасидан йиғилганларга тавсиялар берди.

Муқимбой ИСМОИЛОВ,
«ISHONCH»

Муносабат

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАЪНАВИЙ ИҚЛИМИ

ёхуд оила ва маҳалла институти билан ишлашнинг янги тизими самаралари хусусида

Кейинги пайтда ижтимоий тармоқларга киришга безиб қолдим.

Боиси:

Кимдир миттигина гўдакларни калтаклаб, «Хотиним-дан қасд олмоқчи эдим, хотиним қайтиб келсин деб, шундай қилдим» дейди.

Кимдир ўз боласини моматалоқ қилиб, кўкартириб, жавобгарликдан қочиб, бола бечорани бошқатдан тайёрлаб, «Мен актёр бўлмоқчи эдим» дея интернетга қўяди.

Кимдир маст ҳолда келиб, эмизикли хотинини уриб ўлдиргани, уйда полапондек мурғак гўдаклар ва чақалоқ то бувиси хабар олгани келгунча онасининг мурдаси ёнида чирқиллаб йиғлаб қолгани ҳақида ёзади. Бундай ҳолатни уруш ҳақидаги киноларда кўрганман. Онасининг мурдаси ёнида гўдакнинг очлиқдан совуқ танадаги, совуқ кўкракни эмаётгани...

Яна бир кечириб бўлмас ҳолат: ўғил 82 ёшли отасини уриши...

Мана шундай воқеалар бизда кечмоқдами? Бизда бўлмоқда!.. Демак, улар бизнинг маҳалладошимиз, бизнинг тенгдошимиз, биз танийдиган одамлар экан, сиз-у биз бу жараённинг иштирокчиси эмасмизми?

Биз қўшнининг ҳолидан хабар олмайдиган бепарволармиз. Биз уларни Интернетдан биламиз...

Аммо бизда шундай инсонлар борки, ҳар бир хонадонда нима бўлаётганини билиб туради. Улар маҳалла фаоллари... Нима учун айрим маҳаллаларда жиноятчи бир қадам ҳам босолмайди? У ерда барча уйғоқ.

Аммо шундай маҳаллалар ҳам борки, у ерда аёл ўлдирилади, гўдак чирқиратилади, нуроний калтакланади... Масъуллар эса бехабар. Жиноят устига жиноят содир этилаверади, улар маошини олиб ишлайверади. Сайловларда қайта-қайта сайланаверади. Баъзи маҳалла раиси ўз ишини шундай билади: идорада чой ёки кофе ичиб, олдига ёрдам сўраб келган 3-4 нафар одам билан ўзи билганича, ғоят «жиддий» гаплашиб қўйиш, холос.

Ички ишларнинг профилактика нозири эса маҳалладан сўрашса, ички ишларнинг йиғилишида бўлади, ички ишлар сўраса, гўёки маҳаллани уйма-уй кезиб юрган бўлади. Унинг тушунишича, фаолияти бирор мудҳиш ҳодиса бўлса, воқеа жойга етиб бориш ва зудлик билан юқорига ҳисобот бериш... тамом. Маҳалладагилар уни танимайди. Унинг эса маҳалла одамларини танишга тоқати йўқ. У маҳалла раисини «қўллаб» яшайди. Маҳалла раиси профилактика нозирини «қўллаб-қувватлайди»...

Қишда иссиқ, ёзда салқин жойларда «жавлон ураётган» ушбу «қаҳрамонлар»га маҳалласидан чиққан жиноятчиларни кўрсатсангиз, «Ёпирай, шулар менинг маҳалламданми?» деганидаёқ билиб олиш мумкин.

Жиноятчилик, қотиллик рўй бераётган маҳаллаларнинг бошида ким ўтирганини мудҳиш воқеалар содир бўлиши тўхтамаётганидан ҳам билмаяпмизми?

Пароканда бўлаётган оилалар, зўравонлик қурбони бўлаётган хотин-қизлар, кўзида ёши тўхтамаётган гўдакларнинг уволи кимнинг бўйнида?

Мен шундай раисларни биламан: ўзидан кўп маҳалладошларини ўйлайди. Унинг маҳалласининг кўчаларида одамлар бир-бирига ёвқараш қилмайди, келинлар ранги заъфарон бўлиб, йиғлаб кўчага чиқмайди. Раис маҳалласининг виждони, шони. У ечолмаган муаммо йўқ. Унинг ақли етмаган иш йўқ. Кўли етмаган жой йўқ. У маҳалланинг каттаси эмас, маҳалланинг отаси. У барчанинг сирдоши, дарддоши. Маҳалланинг шаъни – унинг шаъни.

Президентимизнинг жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини ислоҳ этиш борасидаги ташаббусларини кузатар эканман, кўнглимдан шулар кечди. Қаранг-а, давлатимиз раҳбари жамият тараққиётини унинг асосий ўзаги бўлган оила ва маҳаллада кўрмоқда. Ва бу ниҳоятда донишмандлик ва узоқни кўзлаган ташаббуслардир.

Маънавиятли, маданиятли, иймонли маҳалла раислари, фаоллари, фидойи юртдошларимиз ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННинг маънавий иқлимига таъсир қиладиган дарёлардир. Ҳар бир ҳудуднинг об-ҳавоси тоза бўлиши, боғлари яшнаши, инсоф, шарм-ҳаё, андиша, саховат каби қалблардан ўсиб чиқувчи дарахтларнинг қуриб-қовжираб, йўқ бўлиб кетмаслиги учун виждони уйғоқ раислар – «уйғоқ дарёлар» жуда керак, кўплаб керак.

Зулфия МЎМИНОВА,
шоира

Тошкент шаҳри

Йиғилиш

«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти масъуллари ҳамда Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика кенгаши аъзоларининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Темирйўлчилар машварати

Унда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши «Меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш» бўлими мудири М.Исаев, «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти бошқарув раиси ўринбосари в.б. У.Турсунқулов, Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Қ.Собиров, шунингдек, кенгаш аъзолари, мутахассислар, корхона, ташкилотлар раҳбарлари ҳамда бошланғич касаба уюшма қўмитаси раислари иштирок этди.

Йиғилишда «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти ҳамда Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси кенгаши ўртасида 2018-2020 йиллар учун тузилган тармоқ келишуви мажбуриятларининг 2019 йил давомида бажарилиши, корхоналарда меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиниш ҳолати, ишчи-ходимларнинг меҳнат шароитларини янада яхшилаш ҳамда уларни махсус кийим-бош ва шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланиши борасида амалга оширилаётган ишлар, Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси VII Қурултойини чақириш ҳамда бошқа ташкилий масалалар кўриб чиқилди.

Тадбир давомида Меҳнат муҳофазаси техника ва саноат хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи ҳамда корхона, завод, муассасалари бошланғич касаба уюшма қўмитаси раисларининг 2018-2019 йиллар давомида тармоқ келишуви, жамоа шартномаси асосида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоботи тингланди.

Кенгаш аъзоларининг кенгайтирилган йиғилиши сўнггида Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси VII Қурултойини чақириш масаласини август ойида кўриб чиқилиши юзасидан келишиб олинди. Кўрилган масалалар бўйича қарорлар овоз бериш йўли орқали маъқулланди.

Шерзод ИСМОИЛОВ,
Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика кенгаши ташкилий ишлар бўлими мудири

Сирдарё вилояти

Ижодий учрашув

Билим – энг катта бойлик

Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактабида Ўзбекистон халқ шоири Тўра Сулаймон таваллудига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда атоқли шоирнинг янги нашр этилган «Сайланма»си ва сирдарёлик ёш ижодкорларнинг ижод намуналаридан саралаб олинган «Сайхун саболари», «Сирдарёнинг мавжлари», «Сирдарёда улуғвор ўзгаришлар» номли китоблар тақдимоти ҳам ўтказилди.

Тадбирда иштирок этган таниқли ижодкорлар, зиёлилар ҳамда сенаторлар ижод мактабида ёш истеъдодларга яратилган шарт-шароитлар, китобхонлик ва маънавият ҳақида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Бундан ташқари, тадбирда сирдарёлик ижодкорлар Алиқул Хонимқулов, Аҳрор Бойзо ҳамда Абдуғани Абдураҳмоновга Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзолик гувоҳномаси топширилди.

Шоҳиста МАМАДАЛИЕВА,
Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактаби ўқитувчиси

Азиз газетхонлар!

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарини ўз вақтида оляпсизми?

Таҳририят газеталарнинг ўз манзилига етиб боришини доимий назорат қилиб бориш мақсадида телеграм ижтимоий тармоғида **«Муштарий гуруҳи»** каналини ташкил қилди. Агар Сизга газета ўз вақтида етиб бормаётган бўлса, қуйидаги ҳавола – **t.me/ishonchmurojaat** орқали телеграм гуруҳига қўшилиб, таҳририятга мурожаат қилишингизни сўраймиз. Шунингдек, мурожаатлар **(+99871) 256-87-73** телефон рақами орқали ҳам қабул қилинади.

Келгуси сонларда ўқинг... >>>

Ҳисобот-сайлов йиғилишлари:

Қорақалпоғистон Республикаси

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Хўжайли тумани кенгаши тасарруфидаги 1-умумтаълим мактабида ҳисобот-сайлов йиғилиши ўтказилди. Унда бошқа таълим муассасаларининг ҳам касаба уюшма етакчилари ва фаоллари иштирок этди.

Фаолиятга баҳо берилди

Тадбирда касабақўм раиси Сайёра Маткаримова 2015-2020 йиллар оралиғида қўмита томонидан бажарилган ишлар ҳисобини берди. Айрим камчиликларга ҳам таҳлилий тўхталиб ўтди.

Йиғилишда янги қонун доирасида бажариладиган вазифалар белгилаб олинди. Иштирокчилар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси меҳнат муҳофазаси бўлими мудири ўринбосари Одил Мирзаевнинг соҳага оид фикр-мулоҳазаларини қизиқиш билан тинглади.

Мактаб касаба уюшма қўмитаси раиси Сайёра Маткаримова кўпчилик овоз билан қўмита етакчилигига қайта сайланди.

Рустам АБДУРАҲМОНОВ,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Қорақалпоғистон бўйича масъул ташкилотчиси

Самарқанд вилояти

Самарқанд вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашида «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонун тарғиботига бағишланган тадбир ташкил этилди.

Барчага масъулият юклайди

Унда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси бўлим мудири Маҳмуджон Исаев, Самарқанд вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Суҳроб Рафиқов янги қонун моҳияти, янгитдан ташкил этилаётган меҳнат инспекцияларининг ваколатлари хусусида сўз юритишди. Янги қонун ихтиёрийлик, камситилишга йўл қўймаслик, мустақиллик ва ўзини ўзи бошқариш, тенг ҳуқуқлилик, очиқ-ошкоралик принципларига асослангани билан ҳам алоҳида аҳамият касб этиши таъкидланди.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«ISHONCH»

Сирдарё вилояти

Боёвут туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабида бошланғич касаба уюшма ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилиши ўтказилди. Қўмита раиси 2015 йил февраль ойидан 2020 йил февраль ойигача бўлган даврда амалга оширилган ишлар бўйича ҳисобот берди.

Асосий мезон – ходимлар манфаати

Ҳисобот юзасидан сўзга чиққан касаба уюшмаси аъзоларининг қўмита фаолиятига муносабати эшитилиб, янги таркибни сайлаш, туман конференциясига делегат сайлаш масаласи кўриб чиқилди ва тегишли қарор қабул қилинди. Шоира Султонқулова касаба уюшма қўмитаси раислигига такроран сайланди.

Ботир ЗИКРИЛЛАЕВ,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Боёвут тумани кенгаши раиси

Хоразм вилояти

Хоразм вилояти қон қуйиш марказида 2019-2021 йиллар учун мўлжалланган жамоа шартномасининг 2019 йилдаги ижроси юзасидан бошланғич касаба уюшма ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилиши ўтказилди.

Ҳурмат-эҳтиром ифодаси

Унда ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумот берилди. Бир нафар ходим санаторий, икки нафарининг фарзандлари оромгоҳларда соғломлаштирилгани, 4 нафар ходимнинг тарихий шаҳарларга саёҳати уюштирилгани, юбилей саналари ва пенсияга чиқиши муносабати билан 5 нафар ходимга ҳурмат-эҳтиром кўрсатилгани ва бошқа амалга оширилган ишлар айтиб ўтилди.

Йиғилишда касаба уюшма қўмитаси раиси ва тармоқ ходимлари бирлашган қўмитаси конференциясига делегат сайланди.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
«ISHONCH»

Навоий вилояти

Томди, Учқудуқ, Зарафшон шаҳарлари тиббиёт бирлашмаси касаба уюшмаси ташкилотларининг навбатдаги ҳисобот-сайлов йиғилишлари ташкил этилди. Уларда Соғлиқни сақлаш ходимлари Республика кенгашининг Навоий вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Ф.Раҳимова қатнашди.

Кўтаринки руҳда, юқори савияда

Ҳисобот-сайлов йиғилишларида туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитасининг 2015 йил февралдан 2020 йил февралгача бўлган давр мобайнидаги фаолияти ва навбатдаги вазифалари кўриб чиқилди. Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Навоий вилояти бўйича бошланғич қўмиталарининг вилоят раислар кенгашининг навбатдаги II-ҳисобот-сайлов конференциясига делегатлар сайланди.

Нормурод МУСОМОВ,
«ISHONCH»

Наманган вилояти

Касаба уюшмаси аралашгач...

Асоссиз тиркалган «ўғирлик» фош бўлди

«Учқўрғонёғ» АЖ раҳбарининг 2019 йил 7 ноябрдаги 63-И сонли буйруғи асосида корхонанинг бир неча ходими кўп миқдорда ёғ ва кунжара ўғирлаган, деган иддао билан ишдан бўшатилган.

Ўша ишчилардан бири Н.Азимовнинг ҳуқуқ органларига ўзининг ноҳақ, асоссиз ва далилларсиз ишдан бўшатиб юборилгани тўғрисидаги мурожаати шу пайтгача иш берувчининг юқори органларга нописандлиги оқибатида қаноатлантирилмай келинган.

Н.Азимов бу ҳақда Наманган вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасига мурожаатида ҳам бир неча ойдан буён ишсизлиги, оилавий шароити оғирлиги, бу кетишда танг аҳволда қолишини айтиб ўтган.

– Ҳозирги пайтда иш берувчи томонидан ноҳақ ва асоссиз равишда ишдан бўшатиб юбориш ҳоллари кўплаб кузатилмоқда, – дейди бирлашма юристи Баҳром Раҳимбердиев. – Таассуфки, бизга мурожаат қилган Н.Азимов билан бир вақтда ишдан бўшатилган йигитлар бекор қолгани туфайли четга чиқиб, иш излашга мажбур бўлишган. Касаба уюшмаси аралашгач, ушбу фуқаронинг иши шу йилнинг январь ойида Учқўрғон туманлараро судида кўриб чиқилди.

Оқибатда, суд томонидан даъво аризаси бўйича Н.Азимовга ноҳақ айб қўйилгани, корхонага ўрнатилган камераларда ҳам иш берувчи томонидан унга «тиркалган» асоссиз ўғирлик тафсилоти кузатилмагани маълум бўлгач, фуқаро ишга қайта тикланди ҳамда бекор юрган вақтлари учун суд қарори билан иш ҳақи ундириб берилди.

Наманган шаҳридаги 49-мактаб ўқитувчиси Руҳшона Эшмирзаеванинг ҳомиладор аҳволда мактаб директори томонидан ишдан бўшатиб юборилгани тўғрисидаги мурожаати ҳам ўрганилганда, иш берувчининг Меҳнат қонунчилигига зид равишда иш тутганлиги очилиб қолди. Аслида, ушбу мактабда вакант, яъни бўш иш ўрни бўлса ҳам, ишга олинувчи билан муддатли шартнома тузилган. Кейин эса ўқитувчининг ҳомиладорлигини била туриб, ишдан бўшатиб юборган.

– Меҳнат кодексининг 237-моддасига кўра, ҳомиладор ва боласи бор аёллар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишда ўзига хос кафолатлар мавжуд, – дейди Баҳром Раҳимбердиев. – Ҳомиладор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар билан тузилган меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинишига йўл қўйилмайди. Корхонанинг бутунлай тугатилиш ҳоллари бундан мустасно. Мазкур аёлларни ишга жойлаштиришни маҳаллий меҳнат органи уларни ишга жойлаштириш даврида қонун ҳужжатларида белгиланган тегишли ижтимоий тўловлар билан таъминлаган ҳолда амалга оширади.

Муддати тугагани сабабли меҳнат шартномаси бекор қилинган тақдирда ҳам, иш берувчи Руҳшона Эшмирзаева сингари аёлларнинг ишга жойлаштириши шартлигини касаба уюшмаси аралашуви билан ўзаро музокараларда мактаб директорига билдириб ўтилди. Шу тариқа ўқитувчи ишга қайта тикланди ва ходимнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинди.

Орзугул РУСТАМОВА,
«ISHONCH»

Тошкент шаҳри

Тадбир

Икром ҲАСАНОВ олган сурат.

Адабиёт музейидаги сабоқлар

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 164-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Жамила Мирзаева ўзи таълим бераётган синфларда ўзбек тили дарсларини ноанъанавий тарзда ташкил этишга интилиб келмоқда.

Муаллима куни кеча 5-«б»синф ўқувчиларини Фанлар академиясига қарашли Алишер Навоий номидаги адабиёт музейига олиб борди. Ушбу гўшада буюк аллома боболаримиз ижодига бағишланган очиқ дарс ўтказди.

Дарсда ўқувчилар Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва ижодига оид маълумотлар билан танишиш асноси музейдаги экспонатлар ва кўргазмали қуроллар ёрдамида ўша даврга саёҳат қилгандек бўлишди. Мумтоз мусиқа оҳанглари эса машғулот мазмунини янада бойитди. Ўқувчилар мутафаккир аждодларимизнинг музейда сақланаётган бир қанча асарлари билан танишдилар. Музей ходимлари ўқувчиларга асарлар қандай сақланиши ҳақида батафсил гапириб берди. Ўқувчилар ҳам, ўз навбатида, музей ходимларига Навоий ва Бобур ғазаллари, шеърлари, рубоийларидан ўқиб беришди. Адабиёт музейида ўтган дарс ўқувчиларга бир олам таассуротлар улашди.

Зебо НАМОЗОВА,
«ISHONCH»

Самарқанд вилояти

Долзарб мавзу

Оқдарё туманидаги «Оқдарё агросервис МТП» масъулияти чекланган жамияти кўп йил олдин ишлаб чиқаришда рўй берган бахтсиз ҳодиса туфайли икки ходимига товон пули тўлаб келмоқдаки, бу иқтисоди ночор ташкилот гарданига қўшимча «юк» бўлаётир.

Иштиёқ бор–у, маблағ йўқ эмиш...



Ҳўш, юзага келган ҳолатдан қандай хулоса чиқарилмоқда? 120 кишилик жамоада меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги амалиётларига қандай ёндашилмоқда? Эски хатолар учун ҳар йили ўттиз миллионга яқин маблағ йўқотаётган корхонада меҳнат муҳофазасига муносабат ўзгарганми?

Бу ҳақда техника хавфсизлиги муҳандиси Камол Санақулов билан ташкилот бошлиғи ҳузурида анчагина мулоқот қилдик. Мутахассиснинг айтишича, касб малакасини ўн йиллар олдин ошириб келган экан.

...Аммо корхонада бу йўналишда бирор жўяли иш амалга оширилмагани суҳбат бошиданоқ аён бўлди. На корхона маъмурияти биносида, на бирор цехда меҳнатни муҳофаза қилишга оид бир энлик йўриқнома ёки огоҳликка даъват этувчи чақириққа кўзимиз тушди.

Меҳнатни муҳофаза қилишга доир плакат, баннер, ҳимоя воситалари, хавфсизлик техникаси йўриқномаларини юритиш, ходимларнинг бу борадаги билимларини текшириш тўғрисидаги журнал, меҳнатни муҳофаза қилишга доир чора-тадбирлар ва шу каби тегишли ҳужжатлар у ёкда турсин, ҳатто, иш режасини кўрсатиб беролмаган муҳандисга оддий бир савол билан юзланишимизга тўғри келди.

– Лоақал техника хавфсизлиги муҳандиси хонаси бордир?

– Бор, – дея маъмурият жойлашган бинонинг бурчагида қулф осилган минг ямоқ эшикка ишора қилди Камол Санақулов. – Аммо, калити йўқ...

Корхонада техникаларни мавсумга тайёрлаш ишлари ниҳояланаётган экан. Тузатиш-таъмирлаш ишларига бутун жамоа енг шимариб киришган. Ҳар дам ғанимат. Экин-тикин ишларига тадорик авжида. Ҳар тугул ходимлар учун бепул тушлик ташкил этилганини эшитиб, ҳовлидаги ҳайҳотдек ошхонага разм солдик.

Анчадан буён супурги юзини кўрмаган, чангга қоришган овқатланиш зали, антисанитария ҳолатида овқат тайёрланиш жараёнини тасвирларга муҳрладик.

– Ошпаз касаллиги боис бугун таъмирда иштирок этаётган ўттиз чоғли кишига шўрва пиширдим, – дейди ошпаз ёрдамчиси. – Бир ўзим ҳаммасига улгуролмаяпман...

Корхонада ўз касбининг усталари кўп. Масалан, чиланган Қўчқор Халилов қирқ йилдан буён дастгоҳни бошқаради. Эгнида «МАН» автомобиль заводига тегишли ишчи коржома. Ажабландик...

– Болалар уёқ-буёқдан топиб келиб беришади, – дейди Қўчқор ака. – Ишхонамизга ҳам ишчи коржома келибди, деган гап қулоғимга чалинганди. Сўрасам, тугаб қолди, дейишди.

Пайвандчи Юнус Ибрагимов эса 38 йиллик тажрибага эга. 400-500 минг сўм атрофида ҳақ эвазига ишлаётган экан.

Корхона бош ҳисобчиси Сирож Ҳамроев ходимларни рағбатлантириш, ойлик маош тўлаб бериш аҳволини қуйидагича изоҳлайди.

– Ходимларга ойлик маош тўлашда узилишлар бўлиб тургани бор гап. 2019 йил ноябрь-декабрь ойлари учун иш ҳақидан қарздорлик миқдори 80 миллион сўмни ташкил этади. Жорий йил январь ойи маошидан 27 миллион сўм қарзмиз. Айнан шунинг учун ҳам ходимлар меҳнати муҳофазаси учун маблағ ажратишнинг иложи бўлмаётир.

Меҳнат муҳофазасига маблағи йўқ корхонада техника хавфсизлиги муҳандиси бор-ку?! Ходимга хавфсизлик қоидаларининг оддий «фалсафа»сини уқтириш ҳам пул талаб қиладими? Тушунарсиз ҳолат...

– Ташкилот касаба уюшмалари таркибида бўлган чоғлар меҳнат муҳофазаси ҳам, ходимларга яратилган шарт-шароит ҳам рисоладагидек олиб бориларди. Бундан ўн йиллар олдин ходимлар хоҳиш-иродаси инобатга олинмасдан, маъмурият истаги билан бошланғич касаба уюшмалари фаолиятига барҳам берилди, – дейди Оқдарё тумани фермер хўжаликлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Исрофил Мамарасулов. – МЧЖда юз берган кўнгилсиз ҳолатларда касаба уюшмалари ходимлар манфаатини ҳимоя қилганлиги, бунинг оқибатида ташкилотнинг маълум маънода чиқимдор бўлиши ўша даврдаги раҳбарга ёқмаган. Йиллар ўтди. Биз муроса йўлини кўп ахтардик. Бундан зарар кўрилмаслигини тушунтирдик. Ходимлар юз фоиз рози бўлсалар-да, маъмурият касаба уюшмаларининг бошланғич ташкилотини тузишга рўйхушлик бермасдан келди.

«Оқдарё агросервис МТП» МЧЖнинг янги раҳбари Искандар Ҳамроев билан корхонадаги ходимларга яратилган шароит, меҳнат муҳофазаси аҳволи хусусида суҳбатлашдик.

– Касаба уюшмалари билан алоқаларимизнинг узилиши яхши иш бўлмаган, – дейди Искандар ака. – Жамоа иқтисодини юксалтириш ва касаба уюшмалари билан ҳамкорликни йўлга қўйишдан мен ҳам манфаатдорман. Юқоридаги барча камчиликлар жамоат назоратининг йўқлиги оқибати. Буни тезда бартараф этамиз.

Корхона раҳбарининг сўзлари бизни ҳам ишонтирди. Ахир, юздан ортиқ ишчи-ходим фаолият юритаётган жамоада меҳнат муҳофазасини ўз ҳолига ташлаб қўйиш мумкинми?..

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch»

Фарғона вилояти

Оғриқ тишлар...

МЕҲНАТИ ҲАЛОЛ, МУҲОФАЗАСИ “0”

ёхуд қурувчиларга қулай иш шароити қачон яратилади?

Бугун қайга борманг, улкан қурилишлар гувоҳи бўласиз. Фарғона шаҳрида ҳам кўзни қувнатадиган, бир-биридан кўркам кўпқаватли турар-жойлар, бино ва иншоотлар қад ростламоқда. Қўлигул уста-қурувчиларнинг меҳнати билан бунёд этилаётган бинолар бейхтиёр ҳавасингизни келтиради. Уларнинг совуқни-совуқ, иссиқни-иссиқ, демай жонбозлик кўрсатаётганини кўриб, «топгани ҳалол» деб қўямиз. Аммо аксарият ҳолларда уларнинг қандай шароитда меҳнат қилаётганига аҳамият бермаймиз. Фарғона шаҳридаги қурилиш ташкилотларида бўлиб, у ерда меҳнат қилаётган қурувчиларнинг иш жараёни, меҳнат муҳофазаси қандай йўлга қўйилгани билан танишдик.

«ХОРИЖДА КАСКА БИЛАН ИШЛАГАНМАН. БУ ЕРДА ЭСА...»

Фарғона шаҳрининг қоқ марказида – Ал-Фарғоний кўчасида буюртмачи «Hermes petrol» хусусий қўшма корхонаси 5 қаватли турар-жой биносини қурмоқда. Ўн нафарга яқин уста 5-қаватда ғишт териш билан банд. Аммо уларнинг на каскаси, на махсус кийим-боши бор. Ҳар ким ўз ҳолича кийинган. Кимнингдир оёғида резина этик, яна кимнингдир эгнида юпун кийим.

– Уч ойдан бери шу қурилишда ёлланма ишчи бўлиб ишлаяпман, – дейди ўзини Баҳодир деб таништирган уста йигит. – Ғиштни жойига қараб 200-250 сўмдан теряпман. Ишимга қараб «договор» асосида пул оламан. Ҳар йили Россия давлатига бориб, қурилишларда ишлаб келаман. У ерда каскасиз, махсус кийим-бошсиз ишга қўйишмайди. Иш берувчи сизга дарҳол махсус кийим-бош беради. Агар махсус кийим-бош шарт эмас десангиз, дарҳол тушунтириш ишларини бошлаб юборишади. Бу ерда шунча вақтдан бери ишлаётган бўлсам-да, махсус кийим-бош ҳақида гап ҳам бўлгани йўқ. Фақат қўлқоп берилди. Агар иш берувчи махсус кийим-бош билан таъминлаганда, янаям хавфсиз ишлаган бўлар эдик.

Меҳнат муҳофазасига амал қилинмаётганига, мана, яна бир мисол. Махсус кран ёрдамида пастдан 5-қаватга ғишт олиб чиқилмоқда. Ғишт юкланган идиш эса нақ усталарнинг устидан ўтяпти. Лекин ҳеч ким ғиштнинг тушиб кетишидан хавотирланаётгани ҳам йўқ. Қолаверса, юқори қаватда ғишт тераётган усталарнинг қўлидан ғишт сирғалиб кетиши эҳтимоли юқори бўлса-да, пастда турли юмушлар билан банд усталар бамайлихотир ўз ишлари билан машғул.

МАСЛАҲАТ БЕРАДИГАН ОДАМ ЙЎҚ

Фарғона шаҳрининг яна бир марказий кўчаларидан бири – Б.Марғиноний кўчасида «Poytaxt mavzesi» МЧЖ қурилиш ташкилоти томонидан 10 қаватли турар-жой мажмуаси қад ростламоқда. Айни пайтда бинонинг 2-қаватида ишлар қизғин. Йигирмадан ортиқ қурувчи бетон қуйиш, ғишт териш, пайвандлаш каби юмушлар билан банд.

Афсуски, иш жараёнини кузатиб, меҳнат муҳофазасига панжа ортидан қаралаётганига амин бўлиш мумкин. Усталарнинг ҳеч бирида каска ҳам, махсус кийим ҳам йўқ. Электр токида ишлайдиган асбоблар инсон ҳаёти учун ўта хавфли усулда, симнинг ҳимоя қобиғи олиб ташланган ҳолда розеткага уланган.

Арматураларни бир-бирига пайвандлаётган уста эса ҳеч қандай ҳимоя воситасисиз ишини давом эттирмоқда. Яна бир темир кесаётган уста бўлса, кўзни темир зарраларидан ҳимоя қилувчи махсус кўзойнаксиз ишлаяпти. Бу ҳолатни ташкилот таъсисчиси Бобур Маҳмудов қуйидагича изоҳлади.

– Тўғрисини айтганда, қайси касб эгаси қандай кийим-бошда, қандай ҳимоя воситалари билан таъминланиши кераклигини билмаймиз. Бизга бу борада маслаҳат берадиган одам керак. Агар шундай мутахассис келиб, маслаҳатини аямаса, биз учун жуда фойдали бўлар эди. Биз шу асосда, ишчиларга нима зарур бўлса, олиб беришга тайёрмиз.

Жамият таъсисчисига ташкилотда касаба уюшма тузилганми, дея савол берамиз.

– Бу ерда ишлаётган усталарнинг барчаси ёлланма ишчилар, – дейди у. – Улар бажарган ишига қараб ҳақ олади. Бир қарасангиз, усталар кўпайиб, бир қарасангиз, камайиб кетиши ҳам бор гап. Қани кечаги усталар, деб сўрасангиз, Москвага ишга кетганини айтишади. Улар бу ерда муқим ишламагандан кейин қандай қилиб касаба уюшмасини тузиш мумкин?..

Кўриб, кузатганларимиз шу бўлдики, қурилишларда ишлаётган усталарнинг деярли барчаси ёлланма ишчилар. Улар билан меҳнат шартномаси тузилмаган. Меҳнат шартномаси тузилмагач, уларга меҳнат дафтарчаси ҳам очилмаган. Яна бир нарса. Ёлланма ишчилар бажарган ишига қараб «конверт» усулида ҳақ олади. Бу усулда ҳақ тўлаш кўпроқ иш берувчининг манфаатига хизмат қилишини яхши биламиз. Яъни у солиқ тўлаш, иш жараёнида бирор уста жароҳат олиб, шифохонадан «больничний» олиб келса ҳам ҳақ тўламаслик каби «имтиёзларга» эга бўлади.

– Бугунги кунда қурилиш ташкилотларининг аксариятида меҳнат муҳофазаси «ноль» десак ҳам бўлади, – дейди Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қуришиш индустурияси ходимлари Фарғона вилояти ташкилотлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Зоҳиджон Қодиров. – Айнан меҳнат



муҳофазасига риоя қилинмаётган қурилиш ташкилотларида касаба уюшмаси тузилмаган. Ушбу қурилиш ташкилотларига бориб, касаба уюшмасини тузишни, ишловчиларга муносиб меҳнат шароити яратиш лозимлигини тушунтиряпмиз. Лекин ташкилот раҳбарлари касаба уюшмасини тузишдан кўра, тузмасликни маъқул кўрмоқда. Ютуқларимиз ҳам йўқ эмас. Тарғибот ишлари самараси ўлароқ, ижобий натижаларга эришяпмиз. Мисол учун, «Тараққиёт қурилиш» МЧЖ, «Фаркоммунал Шерхон» МЧЖ, «Худоёр таъмир» МЧЖ каби қурилиш ташкилотларида касаба уюшмаси тузилиб, 100 нафарга яқин қурувчи-уста муносиб ҳимояга олинди. Ҳозирда бу ташкилотларда қурувчилар учун етарли шарт-шароит яратилган.

ҚОНУН БАРЧА УЧУН БАРОБАР(МИ?)

Кузатувларимиздан хулоса шу бўлдики, аксарият қурилиш ташкилотларида меҳнат муҳофазаси талабларига риоя қилинмаган. Ваҳоланки, Меҳнат кодексининг 211-моддасида барча корхоналарда хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган меҳнат шароитлари яратилган бўлиши, бундай шароитларни яратиб бериш иш берувчининг мажбуриятига кириши, иш берувчи меҳнатни муҳофаза қилиш талабларини бузганлик учун жавобгар бўлиши кўрсатилган.

Қурувчиликка ихтисослашган ташкилот раҳбарларига айтар сўзимиз шу: қўл остингизда ишлаётган уста-қурувчилар ҳам муносиб меҳнат шароитида ишлашга ҳақли. Уларнинг хавфсизлигини таъминлаш сизнинг мажбуриятингиз эканини асло ёддан чиқарманг. Зеро, хавфсизлик биринчи ўринга қўйилган жойда ишда унум ва барака бўлади.

Жамшид ЭРГАШЕВ,
«Ishonch»

Ис гази: кўринмас қўл чангалидан огоҳ бўлинг

Қиш ойларида ис гази билан боғлиқ нохуш хабарлар оммавий ахборот воситаларида тез-тез учраб қолади. Жорий йилнинг ўтган даврида ҳам республикамизнинг турли ҳудудларида аҳоли ўртасида ис газидан заҳарланиш ҳамда газ ва ҳаво аралашмаси чақнаши билан боғлиқ фавқулодда вазиятлар бир неча бор кузатилди. Хўш, бунга сабаб нима? Бу ҳақда соҳа мутахассислари нима дейди?

ЭЪТИБОРСИЗЛИК ОҚИБАТИ

Таҳлиллардан аён бўляптики, бундай нохуш ҳолатлар сертификати бўлмаган иситиш печларидан фойдаланиш, газ плиталарини ёқиб, эътибордан четда қолдириш, газ асбобларини газ тармоқларига резина шланглар орқали улаб олиш сабабли келиб чиқмоқда.

Бунинг олдини олиш мақсадида пойтахтимизнинг Миробод туманида ҳам мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда маҳалла, аҳоли хонадонлари, корхона ва ташкилотлар, таълим муассасаларида профилактика, тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказилмоқда.

Уларда ис гази вужудга келиши сабабларига йўл қўймаслик ва ундан заҳарланмаслик чораларини кўриш бўйича тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Бегали ЖЎРАЕВ,
Миробод тумани ФВБ бошлиғи ўринбосари, подполковник

Лоқайдлик бало чақиради

Аҳолининг ис гази ва унинг инсон организмига салбий таъсири, ис газидан заҳарланганда кўрсатиладиган биринчи тиббий ёрдам қоидаларини билмаслиги, энг муҳими, хавфсизлик талабларига риоя қилмаслиги ана шундай аянчли вазиятларни келтириб чиқармоқда.

Хонани газ плитасидан иситиш ва унинг устида кийимларни қуритиш, шунингдек, плитани назоратсиз ёқилган ҳолатда қолдирмаслик, бундан ташқари, газ сизиб чиқаётганини очиқ олов, масалан, гугурт чақиб текшириш мумкин эмас.

Газ баллонларини иссиқлик манбаига яқин жойда қолдирмаслик лозим.

Агар бинода газ ҳиди сезилса, ойна ва эшикларни зудлик билан очиш, кўчага чиқиш ва 104 рақами орқали газ хўжалиги авария-диспетчерлик хизмати ёки 1050 рақами бўйича қутқарув хизматига қўнғироқ қилиш керак. Бундай ҳолатларда чироқ, олов ёқиш, электр ускуналарини ишга тушириш тақиқланади.

Болаларни газ ускуналаридан фойдаланилаётган жойларда назоратсиз қолдириш мумкин эмас.

Газ билан боғлиқ аянчли вазиятларга, энг аввало, лоқайдлик сабаб бўлишини унутмайлик!

Эркин АБДУХОЛИҚОВ,
«Тошкент ИЭС» АЖ ОЁХТТЭБ ПНБ катта инспектори, лейтенант

Эълонлар

Аукцион савдолари хабарномаси

«BEST AUKSION SAVDO» масъулияти чекланган жамияти мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади

I. 2020 йил 24 март куни соат 11:00да ташкил қилинадиган савдоларга Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги «O'quv ta'lim-ta'minot» давлат унитар корхонасининг 17.02.2020 йилдаги № 01-01/30-сонли буюртмасига асосан корхона ҳисобидаги қуйидаги автотранспорт воситалари алоҳида ЛОТ тартибида чиқарилмоқда:

1. 1990 йилда и/ч, д/р 75 548 GAA бўлган «Камаз» 5320 русумли (юк) фургон автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 38 586 000 сўм.

2. 2004 йилда и/ч, д/р 70 542 JA бўлган «ТТЗ-80.100» русумли трактор. Бошланғич баҳоси – 39 508 000 сўм.

3. 1987 йилда и/ч, д/р 75 0844 А бўлган «МАЗ 9397» русумли ярим тиркама. Бошланғич баҳоси – 18 665 000 сўм.

4. 1996 йилда и/ч, д/р 01 447 АСА бўлган «ГАЗ 31029» русумли енгил автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 21 480 000 сўм.

5. 1996 йилда и/ч, д/р 60 667 VAA бўлган «DAEWOO ESPERO» русумли енгил (седан) автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 25 066 000 сўм.

6. 1992 йилда и/ч, д/р 01 860 VBA бўлган ГАЗ 31029 русумли енгил автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 14 535 000 сўм.

7. 2005 йилда и/ч, д/р 75 912 OAA бўлган «ГБАСПГ ГАЗ-31105-411» русумли енгил автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 26 371 000 сўм.

8. 2005 йилда и/ч, д/р 01 183 XAA бўлган «Нексия» русумли енгил (седан) автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 29 530 000 сўм.

9. 1986 йилда и/ч, д/р 40 2183 АА бўлган Д-55 русумли тиркама. Бошланғич баҳоси – 6 055 000 сўм.

10. 1988 йилда и/ч, д/р 01 955 EBA бўлган «Камаз 53212» русумли юк (фургон) автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 61 664 000 сўм.

11. 1995 йилда и/ч, д/р 95 576 FAA бўлган «Тико» русумли енгил автотранспорт воситаси. автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 12 154 000 сўм.

12. 1998 йилда и/ч, д/р 95 583 FAA бўлган «Тико DLX» русумли енгил автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 13 251 000 сўм.

13. 1987 йилда и/ч, д/р 30 186 AAA бўлган «ГАЗ 5312» русумли юк (бортли) автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 32 363 000 сўм.

14. 2003 йилда и/ч, д/р 01 051 KCA бўлган «Тико» русумли енгил автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 20 401 000 сўм.

15. 1987 йилда и/ч, д/р 01 861 VBA бўлган «ЗИЛ 431410» русумли юк (бортли) автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 51 961 000 сўм.

16. 1990 йилда и/ч, д/р 01 859 VBA бўлган «ЗИЛ ММЗ 4502» русумли юк автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 49 676 000 сўм.

17. 1991 йилда и/ч, д/р 40 788 EAA бўлган «ЗИЛ 431410» русумли юк (бортли) автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 51 008 000 сўм.

18. 1997 йилда и/ч, д/р 01 864 VBA бўлган «Нексия» русумли енгил (седан) автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 23 874 000 сўм.

19. 1996 йилда и/ч, д/р 01 954 CAA бўлган «Нексия» русумли енгил (седан) автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 13 629 000 сўм.

20. 2005 йилда и/ч, д/р 01 838 VBA бўлган «Нексия» русумли енгил (седан) автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 31 401 000 сўм.

21. 2006 йилда и/ч, д/р 01 821 TBA бўлган «Нексия» русумли енгил (седан) автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 35 817 000 сўм.

22. 2005 йилда и/ч, д/р 80 539 SAA бўлган «Нексия» русумли енгил (седан) автортранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 34 913 000 сўм.

Талабгорлар диққатига!

ЛОТлар бўйича аукцион савдоси 2020 йил 24 март куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2020 йил 7 апрель ҳамда 21 апрель кунлари соат 12:00да бўлиб ўтади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш кунлари 2020 йил 24 март кунидаги савдо учун 23 март, 7 апрель кунидаги савдо учун 6 апрель, 21 апрель кунидаги савдо учун 20 апрель кунига қадар (байрам ва дам олиш) кунларидан ташқари соат 10:00дан 16:00гача қабул қилинади (13:00дан 14:00гача тушлик).

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлардан:

– «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизи миқдоридаги закалат пулларини тўлашлари;

– жисмоний шахслардан паспорт нусхаси;

– юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси, шунингдек, раҳбарнинг паспорт нусхаси, савдода қатнашувчи ишончли вакил учун белгиланган тартибда тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлар томонидан ҳар бир мулк бўйича алоҳида энг кам ойлик иш ҳақининг икки баробари миқдорида ва (яна) қўшимча хизматлар учун пул тўловларини тўлашлари ҳамда аукцион савдоси ғолиби бўлган талабгорлар томонидан аукцион ташкилотчисининг ҳисобрақамига мулк сотилиш нархининг 1,0 (бир) фоизи миқдорида комиссион йиғимини тўлаб беради.

Аукцион савдоси ғолибига 10 кунлик муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловларни тўлаш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Закалат тўлови учун реквизитлар: «BEST AUKSION SAVDO» МЧЖ, ҳ/р: 20208000500842711001, «Қишлоқ қурилиш банк» АТБнинг Тошкент шаҳар минтақавий филиали, МФО: 00452, СТИР: 305300366.

Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан корхона ходими иштирокида жойига чиқиб танишиш мумкин.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил: Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 2-уй. **Тел:** (99) 862-16-71. **E-mail:** bas_savdo@mail.ru

Гувоҳнома № 576174

«FARG'ONA MULK SERVIS» МЧЖда бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган ёпиқ аукцион савдосига Фарғона вилояти ИИБнинг 20.02.2020 йил кунги 10/1-51-сонли хатига асосан, техник носоз ҳолатдаги қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда.

№	Русуми, д/р, и/ч йили	Бошланғич баҳоси (сўм)	№	Русуми, д/р, и/ч йили	Бошланғич баҳоси (сўм)
1.	ОТОЙОЛ русумли, д/б: 40 267 VSF, 1999 йилда и/ч,	8 000 000	20	УАЗ-31512 русумли, д/б: 40 490VSF, 1990 йилда и/ч	3 830 006
2.	ГАЗ-66 русумли, д/б: 40 098 VSF, 1981 йилда и/ч	9 341 673	21	УАЗ-31512 русумли, д/б: 40 446VSF,1990 йилда и/ч	3 830 006
3.	ОТОЙОЛ 80.12 русумли, д/б: 40 219 VSF, 2000 йилда и/ч	8 000 000	22	ВАЗ-2106 061-63 русумли, д/б: 40 485 VSF,1991 йилда и/ч	2 886 269
4	УАЗ-31514012 русумли, д/б: 40 285 VSF, 2002 йилда и/ч	6 758 376	23	УАЗ-31514 русумли, д/б: 40 418 VSF, 2001 йилда и/ч	6 758 376
5	МАЗ-АТЗ русумли (бензавоз), д/б: 40 772 VSF, 1997 йилда и/ч	11 200 000	24	ВАЗ-2106 061-63 русумли, д/б: 40 484 VSF, 1990 йилда и/ч	2 886 269
6	DAEWOO TICO русумли, д/б: 40 046 VSF, 1992 йилда и/ч,	3 300 275	25	УАЗ-31512 русумли, д/б: 40 454VSF,1991 йилда и/ч	3 830 006
7	ЗИЛ-130АТН русумли, д/б: 40 235 VSF, 1989 йилда и/ч	9 480 434	26	УАЗ-31514 русумли, д/б: 40 469 VSF, 2001 йилда и/ч	6 758 376
8	DAEWOO TICO русумли, д/б: 40 204 VSF, 1992 йилда и/ч	3 300 275	27	TICO русумли, д/б: 40 513 VSF,1992 йилда и/ч	3 300 275
9	ВАЗ-2121 русумли, д/б: 40 367 VSF,1993 йилда и/ч	3 939 889	28	TICO русумли, д/б: 40 752 VSF,1999 йилда и/ч	3 724 347
10	GM UZ DAMAS русумли, д/б: 40 348VSF,2000 йилда и/ч	4 591 316	29	Нексия русумли, д/б: 40 117 VSF, 2004 йилда и/ч	9 975 000
11	ВАЗ-21053 русумли, д/б: 40336 VSF,1993 йилда и/ч	2 897 399	30	TICO русумли, д/б:40 119 VSF, 2002 йилда и/ч	3 800 000
12	ОТОЙОЛ русумли, д/б:40 266 VSF, 2000 йилда и/ч	8 000 000	31	NEXIA русумли, д/б: 40 170 VSF,1995 йилда и/ч	5 700 000
13	ВАЗ-2106 061-63 русумли, д/б: 40 396 VSF, 1989 йилда и/ч	2 886 269	32	DAMAS VAN русумли, д/б: 40 106VSF,1997 йилда и/ч	4 591 316
14	ВАЗ-2106 061-63 русумли, д/б: 40 398VSF,1991 йилда и/ч	2 886 269	33	NEXIA русумли, д/б: 40 166 VSF, 1995 йилда и/ч	5 700 000
15	ВАЗ-2109 русумли, д/б: 40 379 VSF, 1991 йилда и/ч	3 637 068	34	NEXIA русумли, д/б:40 167VSF,1995 йилда и/ч	5 700 000
16	ВАЗ-2106 061-63 русумли, д/б: 40 372 VSF,1989 йилда и/ч	2 886 269	35	NEXIA русумли, д/б: 40 178 VSF,1995 йилда и/ч	5 700 000
17	КАМАЗ-53213 русумли, д/б: 40 394 VSF,1987 йилда и/ч	17 100 000	36	NEXIA русумли, д/б: 40 172 VSF, 1995 йилда и/ч	5 700 000
18	ОТОЙОЛ русумли, д/б: 40 383 VSF, 1999 йилда и/ч	8 000 000	37	ЭСПЕРО русумли, д/б: 40 176 VSF,1996 йилда и/ч	5 250 000
19	ГАЗ-31029 русумли, д/б: 40 373 VSF,1996 йилда и/ч	4 248 815	38	Мерседес-Бенц русумли, д/б: 40 199 VSF,2001 йилда и/ч	11 400 000

Ёпиқ аукцион савдоси 2020 йилнинг 24 март куни соат 15:00 да бўлиб ўтади. Ёпиқ аукцион савдосига Фарғона вилояти ИИБ ва туман (шаҳар) бўлимларида ишловчи ходимлардан талабномалар хабарнома чиққан кундан бошлаб, иш кунлари соат 10:00дан 16:00гача қабул қилинади.

Талабномалар қабул қилишнинг охирги муддати: 2020 йил 20 март соат 16:00. Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 (ўн) иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Юқорида кўрсатилган автотранспорт воситалари 2020 йилнинг 24 март кунги савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2020 йилнинг 31 март ва 10 апрель кунлари соат 15:00да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий аукцион савдосига аризалар қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин тўхтатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини закалат келишув шартномасига асосан «FARG'ONA MULK SERVIS»МЧЖнинг ХАБ «Трастбанк» Фарғона филиалидаги қуйидаги ҳисобрақамига тўлашлари лозим: ҳ/р: 2260 4000 6003 9634 2001, МФО: 01123. СТИР: 303 054 753.

Мурожаат учун манзил: Фарғона шаҳри, С.Темур кўчаси, 45-уй. Тел: +99895-402-54-75

Гувоҳнома № 1894

Эълонлар

Сурхондарё вилояти Қизириқ туманидаги 63-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2004 йилда Мансура Нодира Абдусаломовна номига берилган O', RA №1682892-рақамли аттестат йўқолгани сабаб бекор қилинади.

***

2-Тошкент юридик коллежи томонидан 2016 йилда Нуриллаев Дилшодбек Нормурод ўғли номига берилган К № 4458118 рақамли диплом йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Сўз – ёшларга!

Ишонч биринчи даражали масала

Янги Ўзбекистонда жамият бош ислоҳотчи, давлат эса «тунги қоровул» бўлишга тайёрми?

Демократиянинг қизиқ қоидаси бор: мамлакат тараққиётида ҳукумат эмас, жамият ҳал қилувчи ўрин тутади. Маъмурий ресурс эса халқ манфаатларига хизмат қилмоғи даркор. Китобий гапга ўхшайди, шундай эмасми? Ахир биз давлатни ҳамиша бош ислоҳотчи ролида кўришга, тепадан ташаббус бўлсагина ижтимоий фаоллик кўрсатишга одатланиб қолганмиз.

Мустақил Ўзбекистонда жамоат ташкилотлари узоқ йиллар мобайнида «уйқу режими»да ишлагани, сиёсий партиялар жамият ҳаётидаги оғриқли масалаларни кўриб-кўрмасликка олгани-ю, муҳим ислоҳотлар юзасидан қатъий позициясини билдиришга ошиқмагани, парламент қонунлар чиқариш билангина чекланиб, уларнинг ижросини назорат қилмагани, мутасадди раҳбарлар одамлар дардига малҳам топиш ўрнига, шинамгина кабинетида ўтириб, фаровон турмушимиз ҳақида сохта ҳисоботлар ёзгани, аччиқ бўлса-да, ҳақиқат.

Энди бундан кейин ҳам юзга парда тортиб олиб, ҳаммаси яхши, дея қарсак чалиш ярамайди. Янги Ўзбекистон аввалги хатоларни такрорламай, янгича руҳ ва шиддат билан ўзгариши керак. Президент бунинг бирдан-бир тўғри йўли халқ ишончини қозониш эканини айтган. Демак, бугун мамлакат раҳбарияти кучли фуқаролик жамиятига эҳтиёж сезмоқда.

***Сиёсатшунослик бўйича фалсафа фанлари доктори, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси Санжар САИДОВ**нинг фикрича, фуқаролик жамияти фақат ижтимоий капитал ҳисобига кучайиши мумкин.*

– Санжар, ижтимоий капитал деганда нимани тушуниш керак?

– Бу жамият аъзоларини бирлаштириб турадиган феномендир. Халқнинг давлат ва ҳокимиятга ишончи айнан ижтимоий капитал орқали рўёбга чиқади. Ишонч қачон пайдо бўлади? Қачонки одамлар мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этса. Бундай фаоллик қачон юзага келади? Қачонки давлат органлари халқ манфаатларига хизмат қилса. Бошқача айтганда, фуқароларга объект эмас, ислоҳотлар субъекти сифатида қараш ва уларнинг фикри билан ҳисоблашиш керак.

– Ижтимоий капитал ривожланишининг асосий шарти нимада?

– Кўп нарса жамиятдаги ижтимоий муносабатлар архитектурасига боғлиқ. Масалан, горизонтал моделда тенглик тамойили устувор аҳамият касб этади. Шу маънода фуқароларга ўз қобилиятини намоён этиши, ташаббус кўрсатиши учун кўпроқ эркинлик берилади. Вертикал (иерархик) муносабатлар тизимида эса бунинг аксини кўриш мумкин. Турган гапки, давлат томонидан тотал бошқарув ўрнатилган жамиятда демократия ҳақида гапириш тугул, ҳатто, ўйлаш ортиқча.

– Энди Ўзбекистондаги ҳолат ҳақида тўхталсангиз.

– Бугунги раҳбарият мамлакатда демократик қадриятларни қарор топтиришга ҳаракат қилмоқда. Президент очиқлик сиёсатини юритяпти, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак, деган талабни қўйган. Лекин ҳукуматни шу йўлга бошлаш осон кечаётгани йўқ. Қолаверса, бир кишининг хоҳиш-иродаси билан натижага эришиш қийин. Жамиятнинг ўзи ҳам уйғоқ бўлиши зарур.

Бир пайтлар кўпдан-кўп баландпарвоз шиорлар орқали кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтишга ҳаракат қилдик. Лекин уринишлар самара бермади. Чунки том маънодаги халқ ҳокимиятчилигида давлат асосий функцияларини жамиятга топшириши керак. Ўзи эса «тунги қоровул» вазифасини бажариши, яъни ҳуқуқ-тартибот, мамлакат хавфсизлиги, ташқи сиёсат ва чегаралар дахлсизлиги билан шуғулланиши зарур.

– Демак, ижтимоий капиталимиз ҳали заиф.

– Ҳа. Муаммонинг илдизи халқ тафаккурига бориб тақалади. Янгиланаётган Ўзбекистон шароитида биз нафақат уйғонишимиз, балки тафаккуримизни ўзгартиришимиз ҳам керак.

Фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий ва институционал асосларини аллақачон яратиб бўлганмиз. Соҳага доир 200 дан зиёд норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Юртимизда 9 мингдан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Лекин демократик қадриятлар қон-қонимизга сингиб кетмагунича, мамлакатда на бир қонун, на бир жамоат бирлашмаси рисоладагидек ишлай олади. Аввалгидек декоратив ҳолатдаги, яъни номигагина мавжуд бўлиб турган фуқаролик жамиятидан эса ҳеч наф йўқ.

– Ҳамма айб одамларда-микан?.. Ахир қарс икки қўлдан чиқади-ку. Ўз жамияти билан ҳисоблашмайдиган давлат эртами-кечми барибир леги-тимлигини йўқотади.

– Шубҳасиз, танганинг бошқа томони ҳам бор. Фуқаролар мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиши учун давлатга ўзига ишонгандек ишониши керак. Айтайлик, бугунги кунда сайлов жараёни ёки сиёсий партиялар фаолияти аҳолини кўп ҳам қизиқтирмайди. Чунки инсон қайсидир номзодга онгли равишда овоз бериши ҳамда муайян партияни қўллаб-қувватлаши учун ундан қоп-қоп ваъда олиши эмас, балки ишидан қониқиши зарур. Афсуски, амалда ундай бўлаётгани йўқ. Ваҳоланки, сиёсий партиялар ҳам фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари сингари ижтимоий капитални шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. Улар парламент ёки маҳаллий Кенгаш депутатлигига номзодлар кўрсатиш билангина чекланмай, конструктив мулоқот майдончасига айланиши ва шу аснода жамиятда фикрлар хилма-хиллигини таъминлаши зарур.

Яна бир гап. Демократик жамиятни бир мушт қилиб турувчи ижтимоий нормалар бўлади. Шулардан бири миллий ғоядир. Ўзбекистонда миллий ғоя яратилди, аммо халқ ичига ҳали ҳам синггани йўқ. Мазкур концепция чиройли сўзлар билан ифодаланганига қарамай, кўпчилик учун мавҳумлигича қолмоқда. Борди-ю, у юртдошларимиз кўнглидан чуқур жой ололганида эди, ижтимоий қадрият сифатида халқни бирлаштиришга хизмат қиларди.

– Яъни ижтимоий капиталнинг бир қисмига айланарди.

– Худди шундай.

– Қизиқ, ижтимоий капитал биз учун янги феноменми?

– Йўқ. Ижтимоий капитал баъзи бир анъаналар кўринишида ўзбек жамиятида аввал ҳам бўлган. Маҳалла институти, ҳашар, қўни-қўшничилик муносабатлари бунга яққол мисолдир.

Таъкидлаш керак, жамият ривожланган сайин ижтимоий капитал ҳам замонавий кўриниш касб этиб, янги компонентлар билан бойиб боради. Масалан, бугунги кунда ижтимоий муносабатлар кўпроқ виртуал маконга кўчганини кузатяпмиз. Шунга монанд равишда интернетдаги ижтимоий тармоқлар сегменти тобора оммалашмоқда.

Фуқаролар турли веб-ресурслар орқали сиёсий қарашларини, қайсидир воқеа-ҳодисага муносабатини билдириши мумкиндир. Лекин бундай дадиллик реалликка кўчиб, ҳақиқий ҳаракатга айланмас экан, бари бекор.

– Ҳозирча дадил фикрлар асосан интернет кенгликларида янграмоқда.

– Тўғри. Буни яхши ҳам, ёмон ҳам деёлмайман. Муҳими, одамларимизда сиёсатга қизиқиш пайдо бўляпти. Фақат ўша қизиқиш реал ҳаётда қай даражада ўз ифодасини топмоқда? Мана шу савол очиқ.

– Халқ тафаккури ҳақида гапирдингиз. Уни қандай «янгиласа» бўлади?

– Таълим мазмунига жиддий эътибор қаратиш зарур. Ҳозир мактаб ва университетларда ижтимоий фанлар – фалсафа, мантиқ, социология, диншунослик, политологиядан воз кечиляпти. Бу нотўғри, менимча. Ўзингиз ўйлаб кўринг, айтайлик, шифокорга фалсафий тафаккур керак эмасми? Ёки муҳандис мантиқий фикрламаса ҳам бўлаверадими? Агар таълим тизимимиз фақат замонавий кадрлар тайёрлашга зўр берса, унда теран тафаккур ва кенг дунёқарашга эга шахсни ким тарбиялайди? Бунақада одамларда ижтимоий иммунитет сустлашади – ижтимоий капитални ривожлантиролмай қоламиз. Тафаккурни озиқлантирувчи фанларни четга суриб қўйиш давлат ва жамиятга қимматга тушиши мумкин.

Бошқа томондан, юртимизда олий таълимга қамров оширилмоқда, грант ўринлари кўпайяпти. Бу жуда яхши. Олий маълумотли шахс эҳтимол эртага ўз мутахассислиги бўйича ишламас. Лекин ўзининг устида доимо ишлашига, атрофдаги жараёнларни мунтазам кузатиб, мушоҳада қилиб боришига, маънавияти ва маданияти юқори бўлишига, қўйингки, фарзандига ҳам пухтароқ тарбия беришига ишонаман.

– Ижтимоий фаоллик масаласида негадир фуқаролик жамияти институтлари намуна бўлолмаяпти. Аксарияти ё номигагина ишлаяпти ёки давлат буюртмасини бажариш билан банд.

– Ҳақсиз. Аслида, нодавлат нотижорат ташкилотлари фуқаролик жамиятининг локомотиви бўлиши керак. Боз устига, улар ижтимоий капиталнинг муҳим манбаи ҳисобланади.

Ўзбекистонда рўйхатдан ўтган 9 мингдан ортиқ жамоат бирлашмасидан қанчаси ижтимоий функциясини бажара оляпти, деган саволга, менимча, қониқарли жавоб олиш қийин. Тўғри таъкидладингиз, аксарият йирик ННТлар давлат буюртмасини бажариш билан банд. Баъзилари жамоат ташкилоти эканини ҳам унутиб юборган.

Хорижда ҳам давлат буюртмасини бажариш амалиёти бор. Фақат бундай фаолиятда тенглик тамойили бузилмаслиги, яъни давлат жамоат ташкилотининг мустақиллиги ва позициясига дахл қилмаслиги «олтин қоида» этиб белгиланган.

Иккинчи оғриқли масала нодавлат нотижорат ташкилотларининг молиявий таъминоти билан боғлиқ. Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди тақдим этаётган грантлар, очиғи, эҳтиёжга яраша эмас. Улар ННТларнинг тўлақонли фаолият юритиши учун камлик қилади.

Юртимизда жамоат ташкилотларига ҳомийлик маблағлари деярли ажратилмайди. Аслида, ҳотамтойлар кўп. Фақат улар асосан диний мақсадлар учун хайрия қилиш, масжидларга эҳсон тарқатишга одатланиб қолган. Фуқаролик жамияти равнақига пул тикадиганлар эса саноқли. Молиявий қийинчиликлар туфайли кўпгина ННТлар «уйқу режими»га ўтиб олган. Қачон грант ютса, ишлайди, қолган вақт карахт бўлиб тураверади.

– Вазиятни ўзгартиришнинг иложи борми?

– Авваламбор, ислоҳотлар жараёнида административ ресурснинг иштирокини аста-секин камайтириб бориш керак. Маъмурий-буйруқбозлик усули ижобий натижага олиб келмайди. Буни мустақилликнинг дастлабки йилларида ҳам кўрдик.

Кучли фуқаролик жамияти, аслида, давлатга, кўмакчидир. У юзга тутилган кўзгу мисоли бошқарувдаги нуқсонларни кўрсатиб беради. Бу –хато ва камчиликлар устида ишлаш учун яхши имконият.

Халқ ишончини қозонмоқчи бўлган давлат учун фуқаролик жамиятини ривожлантиришдан бошқа йўл йўқ. Иқтисодий жиҳатдан юксалишни хоҳласак, инвесторларни жалб қилмоқчи бўлсак, ижтимоий капиталимизни бойитишга мажбурмиз. Лекин тепадан буйруқ бериш билан иш битмайди. Жамият тирик организм. У ўзини ўзи ҳаракатга келтириши керак.

Бир пайтлар кўпдан-кўп баландпарвоз шиорлар орқали кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтишга ҳаракат қилдик. Лекин уринишлар самара бермади. Чунки том маънодаги халқ ҳокимиятчилигида давлат асосий функцияларини жамиятга топшириши керак. Ўзи эса «тунги қоровул» вазифасини бажариши, яъни ҳуқуқ-тартибот, мамлакат хавфсизлиги, ташқи сиёсат ва чегаралар дахлсизлиги билан шуғулланиши зарур.

Демократик жамиятни бир мушт қилиб турувчи ижтимоий нормалар бўлади. Шулардан бири миллий ғоядир. Ўзбекистонда миллий ғоя яратилди, аммо халқ ичига ҳали ҳам синггани йўқ. Мазкур концепция чиройли сўзлар билан ифодаланганига қарамай, кўпчилик учун мавҳумлигича қолмоқда. Борди-ю, у юртдошларимиз кўнглидан чуқур жой ололганида эди, ижтимоий қадрият сифатида халқни бирлаштиришга хизмат қиларди.

Суҳбатдош
Наргиза УМАРОВА

МУАССИС:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002
2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир ҳайъати:

Қудратилла РАФИҚОВ (таҳрир ҳайъати раиси),
Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
Анвар АБДУМУХТОРОВ,
Сайфулло АҲМЕДОВ,
Акмал САИДОВ,
Равшан БЕДИЛОВ,
Қутлимурот СОБИРОВ,
Суҳроб РАФИҚОВ,
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,
Нодира КАРИМОВА,
Анвар ҚУЛМУРОДОВ,
(Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
Темур МАМАЖОНОВ, (Бош муҳаррир ўринбосари - «Ishonch-Доверие» бўйича),
Меҳриддин ШУКУРОВ, (Масъул котиб - «Ishonch»),
Валентина МАРЦЕНЯК (Масъул котиб - «Ishonch-Доверие»)

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Ҳудудлардаги мухбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Бухоро вилояти — (+998-99) 889-90-31
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
Тошкент вилояти — (+998-99) 889-98-44
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир: Ж. Наҳанов
Мусаҳҳиҳлар: С. Шодиева, З. Холмуҳаммедова, Д. Орипов
Саҳифаловчи: Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – 21:00
Топширилди – 18:30

Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Буюртма Г – 217. 30688 нусхада босилди. Нашр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5

Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001, АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали, банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

Жиззах вилояти

Таассуф

Қилкўприкдаги «дорбозлар»

ёхуд шўрчаликлар орзуси қачон ушалади?

Билимга машаққат билан эришилади. Тўғри гап. Лекин машаққатдан машаққатнинг фарқи бор. Жумладан, Жиззах вилояти Ғаллаорол туманидаги 71-умумтаълим мактаби ўқувчилари орасида машаққат чекаётганлар кўп.

Гап шундаки, «Жийдали» ҚФЙга қарашли Шўрча қишлоғининг ўртасидан катта сой ўтган. Қишлоқда 130 та хонадон бўлиб, шундан 45 таси сойнинг нариги томонида жойлашган. Ана шу хонадонлардан 52 нафар ўқувчи мактабга бориш учун шу сойдан ўтади.

Қишлоқни боғлаб турувчи кўприкни эса 2012 йилнинг баҳорида сел олиб кетган. Шундан буён ўқувчилар қўлбола кўприкдан фойдаланишади.

– Ота-оналар фарзандларини ҳар куни эрталаб кўприкдан ўтказиб қўйишади, – дейди қишлоқ фаоли Нурмурод Бойматов. – Ёғингарчилик туфайли сойда сув кўпайса, ўқувчилар мактабга бормай қўя қолишади. Биз кўприкни ҳашар йўли билан қурганмиз. Замонавий, бақувват кўприкнинг қурилиши ҳозирча орзу...

Наҳотки қишлоқ одамлари ва ёшлари тақдирига дахлдор ушбу масала мутасаддиларни ўйлантирмаётган бўлса?

Муроджон РАҲМАТОВ,
ЎзЖОКУ талабаси